



**ХОТИН-ҚИЗЛАР УЧУН**  
**ҚОНУНЧИЛИКДА**  
**БЕЛГИЛАНГАН КАФОЛАТ ВА**  
**ИМТИЁЗЛАР ТҮФРИСИДА**  
**ЭСЛАТМА**





ХОТИН-ҚИЗЛАР УЧУН  
ҚОНУНЧИЛИКДА  
БЕЛГИЛАНГАН КАФОЛАТ ВА  
ИМТИЁЗЛАР ТҮҒРИСИДА  
ЭСЛАТМА

Тошкент – 2024-йил

Хотин-қизлар учун қонунчиликда белгиланган кафолат ва имтиёзлар тўғрисида эслатма. Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2024. – 22 бет.

Мазкур услугий қўлланма хотин-қизларнинг қонунчиликда белгиланган кафолат ва имтиёзларни билиши, белгиланган кафолат ва имтиёзлардан кундалик ҳаётда фойдаланиш ва қўллаш мақсадида ишлаб чиқилди.

Қўлланмани очиқ манбаларга жойлаштиришга рухсат берилади ва ундан фойдаланиш бепул ҳисобланади.

Қонунчилик хужжатлари ўзгариши муносабати билан ушбу қўлланма такомиллаштириб борилади, шу сабабли, қўлланманинг янгилangan санасига эътибор қаратиш лозим.

**Мазкур услугий қўлланма тавсиявий хусусиятга эга.**

## МУНДАРИЖА

<b>1.</b>	Хотин-қизларга тадбиркорликни йўлга қўйиш учун 33 миллион сўмгача кредитлар ажратил	–	<b>4</b>
<b>2.</b>	«Аёллар дафтари»га киритилган ёлғиз аёлларнинг фарзандлари боғчага имтиёзли рўйхат асосида қабул қилиниши	–	<b>5</b>
<b>3.</b>	Айрим тоифадаги хотин-қизларга ОТМга кириш учун тавсиянома берилиши	–	<b>6</b>
<b>4.</b>	Фаол ва ташаббускор хотин-қизлар «Мўътабар аёл» кўкрак нишони билан тақдирланади	–	<b>7</b>
<b>5.</b>	Оғир ижтимоий аҳволдаги хотин-қизларга имтиёзли уй-жойлар берилиши	–	<b>8</b>
<b>6.</b>	«Аёллар дафтари»га киритилганларга 5 млн сўмгача кредитлар нақд берилиши	–	<b>9</b>
<b>7.</b>	Хотин-қизларнинг касб ўрганишга қилган харажатларини давлат тўлаб берилиши	–	<b>10</b>
<b>8.</b>	Ишлайдиган оналарга болани овқатлантиришга танаффус берилиши	–	<b>11</b>
<b>9.</b>	12 ёшга тўлмаган боласи бор аёлларга қўшимча таътил берилиши	–	<b>12</b>
<b>10.</b>	2 ёшга тўлмаган боласи бор аёллар енгилроқ ишга ўтказилиши	–	<b>13</b>
<b>11.</b>	Аёлларни пенсия ёшига тўлгани сабабли иш берувчи ташаббуси билан ишдан бўшатиш тақиқлиши	–	<b>14</b>
<b>12.</b>	Айрим аёллар 53 ёшда пенсияга чиқиши мумкинлиги	–	<b>14</b>
<b>13.</b>	Айрим хотин-қизларнинг контракт пули давлат томонидан тўлаб берилиши	–	<b>15</b>
<b>14.</b>	5 йил иш стажига эга хотин-қизлар тавсиянома асосида ўқишга қабул қилиниши	–	<b>16</b>
<b>15.</b>	Хотин-қизларга 7 йилга фоизсиз таълим кредити берилиши	–	<b>16</b>
<b>16.</b>	Раҳбарлик лавозимига танловда хотин-қизлар ва эркакларнинг teng иштироки таъминланиши	–	<b>17</b>
<b>17.</b>	Фойдаланилган норматив-хуқуқий хужжатлар рўйхати	–	<b>18</b>



Хотин-қизларга  
тадбиркорликни  
йўлга қўйиш учун **33 миллион**



**Йиллик** 14%



**Кредит** 3 йилгача



**Имтиёзли** 6 ойгача



**Кредит** 33 млн сўмгача



Бунинг учун улар қуидаги  
дастурлардан бирини  
муваффакиятли тугатган




Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш  
агентлиги ва Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби маъқуллаган  
дастурлар асосидаги ўқув курслари

“Ишга марҳамат” мономарказлари, касб-хунарга ўқитиши  
марказлари, маҳаллалардаги касб-хунарга ўқитиши масканлари ва  
Хотин-қизлар тадбиркорлик марказлари ёки нодавлат таълим  
муассасаларининг касбга ўргатиши ўқув курсларининг маҳсус  
ўқитиши дастурлари



«Аёллар дафтари»га киритилган  
ёлғиз аёлларнинг фарзандлари  
боғчага **имтиёзли рўйхат** асосида  
қабул қилинади



- I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларнинг болалари;
- кўп болали оиласларнинг болалари;
- етим болалар ёки ота-онасининг қаровисиз қолган болалар;
- «Аёллар дафтари»га киритилган ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ ёлғиз аёлларнинг болалари;
- контракт бўйича ҳарбий хизматчиларнинг ва ички ишлар органлари ходимларининг болалари;
- талабалар ва педагогларнинг болалари.


Болаларнинг юқоридаги контингенти боғчага устунлик билан қабул қилиниш ҳуқуқига эга бўлади:



Айрим тоифадаги  
хотин-қизларга  
ОТМга кириш учун  
**тавсиянома**  
**берилади**

Эҳтиёжманд оилалардаги хотин-қизларга олий таълим муассасалариға киришда давлат гранти асосидаги қабул доирасидаги танловда иштирок этиш учун тавсиянома берилади. Тавсиянома қуйидаги мезонлар асосида тақдим этилади:

- кам таъминланган оилалардаги хотин-қизлар;
- тўлиқсиз оилада тарбияланаётган, яъни отаси ёки онаси ёхуд уларнинг иккаласи ҳам вафот этган ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ қизлар;
- турмуш ўртоғи вафот этган, вояга етмаган фарзандини ёлғиз тарбиялаётган ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ аёллар;
- ногирон фарзанди бор эҳтиёжманд оилалардаги хотин-қизлар;
- 2 ва ундан ортиқ фарзандини тарбиялаётган, қариндошлиаридан алоҳида яшаётган ёлғиз аёлларнинг қиз фарзандлари;



**Фаол ва ташаббускор  
хотин-қизлар “Мўътабар  
аёл” кўкрак нишони билан  
тақдирланади**

**Мазкур кўкрак нишони билан:**

- жамият ва давлат ҳаётида фаоллик ва ташаббускорлик кўрсатган;
- ўзининг самарали меҳнати билан оиланинг шаклланишига ва фаровонлиги мустаҳкамланишига, оналик ва болалик муҳофазасига муносиб ҳисса қўшган;
- соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, уларни ватанпарварлик ва истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, жойларда маънавий-ахлоқий мухитни соғломлаштириш ва миллий қадриятларимизни кенг тарғиб этиш борасида ибратли фаолият олиб бораётган хотин-қизлар тақдирланади.

Оғир ижтимоий ахволдаги  
хотин-қизларга **имтиёзли**  
**уй-жойлар** берилади



Уй-жойга мұхтож хотин-қизларга бериладиган  
арzon уй-жойлар түловининг:


10

10 фоизи Хотин-қизларни қўллаб-  
қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси,  
талабгор ишлаётган ташкилот ва бошқа манбалар  
ҳисобига (бошланғич бадал сифатида)

90

90 фоизи банкларнинг имтиёзли кредитлари  
ҳисобига қопланади

«Аёллар дафтари»га  
киритилгандарга  
**5 млн сўмгача кредитлар накд  
берилиши** мумкин



### ! МАЪЛУМОТ УЧУН!

“Аёллар дафтари”га 30 ёшдан ошган қуийдаги хотин-қизлар киритилади:

- ижтимоий ҳимояга муҳтож ишсиз хотин-қизлар;
- тадбиркорлик қилиш истагида бўлган эҳтиёжманд хотин-қизлар;
- боқувчиси бўлмаган эҳтиёжманд хотин-қизлар;
- ижтимоий ёрдамга муҳтож И ва ИИ гурӯҳ ногиронлиги бўлган, тезкор тиббий муолажага муҳтож эҳтиёжманд хотин-қизлар;
- уй-жойга муҳтож хотин-қизлар.

Хотин-қизларнинг касб ўрганишга  
қилган харажатларини **давлат тўлаб  
беради**



*Касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитиши  
курсларини муваффақиятли тамомлаб,  
уларнинг сертификатини олган шахсларга ўз  
бизнесини ташкил этиши учун микрокредит  
ажратилади*



*Бунда хотин-қизлар нодавлат таълим ташкилотларида касб-ҳунарга ва тадбиркорликка ўқигандаги қилган харажатларнинг 70  
фоизи, бироқ ҳар бир битирувчига 1 миллион сўмдан ортиқ бўлмаган  
харажатлар давлат томонидан қоплаб берилади*

## *Ишлайдиган оналарга болани овқатлантиришига танаффус*



Икки ёшга тўлмаган боласи бор аёлларга дам олиш ва овқатланиш учун танаффусдан ташқари болани овқатлантириш учун қўшимча танаффуслар берилади. Бу танаффуслар **камидаги ҳар уч соатда**, ҳар бирини **ўттиз минутдан кам бўлмаган** давомийликда берилади.


Икки ёшга тўлмаган икки ёки ундан ортиқ нафар фарзанди бўлган тақдирда, танаффуснинг давомийлиги **камидаги бир соат** қилиб белгиланади.

Болани овқатлантириш учун танаффуслар **иш вақтига киритилади** ва **ўртача иш ҳақи бўйича** ҳақ тўланади.

Болали аёлнинг хоҳишига кўра болани овқатлантириш учун танаффуслар дам олиш ва овқатланиш учун танаффусга қўшиб берилиши мумкин.

Ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ боланинг ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногиронлиги бўлган боласи бор аёлларга ҳар йили давомийлиги **камида тўрт календарь кун** бўлган ҳақ тўланадиган қўшимча таътил берилади.

Бундай таътил йиллик меҳнат таътилига **қўшиб берилиши** ёки иш берувчи билан келишиб белгиланадиган даврда ушбу таътилдан алоҳида (тўлиқ ёхуд қисмларга бўлиб), лекин фақат тегишли иш йили давомида **фойдаланилиши мумкин**





2 ёшга тўлмаган  
боласи бор аёллар  
**енгилроқ** ишга  
**ўтказилади**

*2 ёшга тўлмаган боласи бор аёллар аввалги ишини бажариши мумкин бўлмаганида боласи 2 ёшга тўлгунгача енгилроқ ёки нокулай ишилаб чиқарии омилларининг таъсиридан холи ишга ўтказилади. Бунда аввалги ишидаги ўртacha ойлик иши ҳақи сақлаб қолинади*

Хомиладор аёллар, 3 ёшга тўлмаган боласи бор аёлларни ишга қабул қилишда **дастлабки синов қўлланилмайди**

Хомиладор аёллар билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббусига кўра **бекор қилишга йўл қўйилмайди**

Иш берувчи хомиладор аёлларга бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида антенатал (туғруққача) парваришлиш (перинатал скрининг ва ташхис, тиббий кўриклар) учун ўртacha иш ҳақи сақланган ҳолда қўшимча бўш кунлар бериши шарт



Аёлларни пенсия ёшига тўлганлиги сабабли иш берувчи ташаббуси билан **ишдан бўшатиш**


Бунда аёлларнинг пенсия ёшига тўлгани ёки ёшига доир давлат пенсиясини олиши ҳуқуқи вужудга келгани сабабли номуайян муддатли меҳнат шартномасини 60 ёшига тўлгунга қадар ёки муддатли меҳнат шартномасининг муддати тугагунга қадар иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилиши мумкин эмас

Айрим аёллар 53 ёшда  
**пенсияга чиқиши**  
мумкин



Технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришилар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқаргани ёхуд корхонанинг тугатилгани муносабати билан ишдан озод этилган ва ишсиз деб эътироф этилган аёллар 53 ёшига тўлганда ва иш стажи камида 20 йил бўлганда пенсия олиши ҳуқуқига эга бўлади

Айрим хотин-  
қизларнинг **контракт**  
**пули** давлат томонидан  
тўлаб берилади



Хусусан, магистратурада ўқиётган хотин-қизларнинг контракт тўловларини қоплаб бериш тартиби белгиланган. Магистратурада тўловшартнома асосида ўқиётган хотин-қизларнинг контракт суммасини Давлат бюджетидан қоплаб бериш тартиби тасдиқланган. Бунинг учун талабгорлар 15 центабрга қадар ўзлари таълим оладиган муассаса ректори номига ариза билан мурожаат этишлари талаб қилинади.

Шунингдек, ҳукумат қарори билан ҳар бир ҳудуддан ота-онаси ёки уларнинг биридан айрилган мухтоҷ қизлар, боқувчиси йўқ ёлғиз 100 нафар аёлларнинг тўлов-контракти ҳокимликлар томонидан ҳар йили тўлаб берилади

**5 йил иш стажига эга  
хотин-қизлар  
тавсиянома асосида  
үқишига қабул қилинади**



Хукумат қарори билан колледж ёки техникум дипломидаги мутахассислиги бүйича 5 йил иш стажига эга хотин-қизлар контракт асосида ОТМга қабул қилинади. Бунда тавсияномага эга абитуриентлар орасида алохидан тест үтказилади, улар орасидан юқори балл түпласкан 500 нафаригина ОТМга кира олади



**Хотин-қизларга 7 йилга  
фоизсиз таълим  
кредити берилади**

Президент қарорига кўра, олий ҳамда ўрта махсус ва профессионал таълимда таҳсил олувчи хотин-қизларга 7 йилга 14 фоизлик таълим кредитлари ажратилади. Бунда фоиз ставкаларини Молия вазирлигининг жамғармаси қоплаб беради. Хотин-қизлар эса асосий қарзни ўқиши тамомлагач, 7 йил давомида тўлайди

## Раҳбарлик лавозимига танловда хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг иштироки



Давлат хизматидаги лавозимларни, шу жумладан, раҳбарлик лавозимларини эгаллаш учун танловда хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг равишда иштирок этиши таъминланиши керак

Давлат органларининг кадрлар хизматлари зиммасига танлов комиссияларига нафақат танловда иштирок этаётган шахсларнинг маълумоти ва касбий тайёргарлиги тўғрисидаги маълумотларни, балки давлат хизматининг тегишли лавозимларида ишлаётган хотин-қизлар ва эркаклар сонининг нисбати тўғрисидаги маълумотларни ҳам тақдим этиш мажбурияти юклатилади

## Ногиронлиги бўлган хотин-қизларни ишга олганларга **субсидия берилади**

Мэҳнатга лаёқатли, ногиронлиги бўлган хотин-қизларни иш билан таъминлаган иш берувчилар учун 6 ой давомида ҳар ойда БҲМнинг

2 баравари (600 минг сўм)дан кам бўлмаган миқдорда субсидия ажратилади

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН НОРМАТИВ-ХУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР РҮЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикасининг Мехнат кодекси;

QR кодни сканерланг



2. Ўзбекистон Республикасининг «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг хукуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги Конуни;

QR кодни сканерланг



3. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Конуни;

QR кодни сканерланг



4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 мартағи «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-5020-сон қарори;

QR кодни сканерланг




5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 мартағи «Хотин-қизларнинг меҳнат ҳукуқлари кафолатларини янада қучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4235-сон қарори;

QR кодни сканерланг



**6.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 13 октябрдаги «Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш ва тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4862-сон қарори;

QR кодни сканерланг



**7.** Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 23 июндаги «Олий таълим муассасаларига қўшимча давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичлари доирасида эҳтиёжманд оиласардаги хотин-қизларга танловда иштирок этиш учун тавсиянома бериш ва уларни ўқишига қабул қилишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 4<sup>този</sup> ;

QR кодни сканерланг



**8.** Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 31 мартдаги «Хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 145-сон қарори;

QR кодни сканерланг



**9.** Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 20 майдаги “Вазирлар маҳкамасининг «Болаларни давлат мактабгача таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида» 2018 йил 28 марта 244-сон қарорига ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги 319-сон қарори;

QR кодни сканерланг



**10.** Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 апрелдаги «Оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларга, ногиронлиги бўлган, кам таъминланган,

фарзандларини тўлиқсиз оилада тарбиялаётган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтоҷ оналарга арzon уй-жойлар бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 285-сон қарори;

QR кодни сканерланг



**11.** Вазирлар Маҳкамасининг 2018-йил 2-апрелдаги “Мўътабар аёл” кўкрак нишонини таъсис этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 257-сон қарори;

QR кодни сканерланг



**12.** Вазирлар Маҳкамасининг 2021-йил 17-сентябрдаги «Ижтимоий эҳтиёжманд оила вакиллари, етим ёки ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган талаба хотин-қизларнинг олий таълим олишини моддий жиҳатдан қўллаб-куватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 585-сон қарори.

QR кодни сканерланг

